

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАТТАҚУЛОВ ФАРРУХ САЙФУЛЛАЕВИЧ

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ АМУДАРЁ ҲАВЗАСИДАГИ
ГИДРОТЕХНИК ИНШОТЛАР КАСКАДИ ЭКСПЛУАТАЦИОН
РЕЖИМИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.07- Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎТ: 631.624.627.841:631.671.1(043)

**Техника фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Каттакулов Фаррух Сайфуллаевич

Иқлим ўзгаришининг Амударё ҳавзасидаги гидротехник иншоотлар каскади
эксплуатацион режимига таъсирини баҳолаш.....3

Каттакулов Фаррух Сайфуллаевич

Оценка влияние изменение климата на режим каскада гидротехнических
сооружений бассейна реки Амударьи21

Kattakulov Farrukh Sayfullaevich

Assessment of the impact of climate change on the operational regime of the
cascade of hydrotechnical consturctions in the Amudarya basin.....39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ» МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ”
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ**

КАТТАҚУЛОВ ФАРРУХ САЙФУЛЛАЕВИЧ

**ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИНИНГ АМУДАРЁ ҲАВЗАСИДАГИ
ГИДРОТЕХНИК ИНШОТЛАР КАСКАДИ ЭКСПЛУАТАЦИОН
РЕЖИМИГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ**

05.09.07- Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда табиий хавф-хатарларнинг пайдо бўлиш частотаси тобора кўпайиб бормоқда. Хусусан, Марказий Осиёда, шу жумладан Ўзбекистон республикаси ҳудудларида иқлим ўзгаришининг гидротехник иншоотлар каскади эксплуатацион режимига таъсирини баҳолаш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Хозирги кунда иқлим ўзгаришлари натижасида сел-тошқинлар ва бошқа хавфли табиий ҳодисалар тез-тез содир бўлиши кузатилмоқда. Бу борада, жумладан, қисқа муддатли сел оқимлари натижасида дарёлар юқори ва қуйи оқимида деформацион жараёнлар содир бўлишини замонавий дастурлар асосида башорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш, мавсумий сув таъминотида сув омборлари техник ҳолатларини ўрганиш, гидротехника иншоотлари ишончли, хавфсиз ишлаши бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, дарёлар оқимини ростлаш асосида сув омборларидан хавфсиз ва самарали фойдаланиш ҳамда иншоотларнинг эксплуатацион ишончилиги ва фойдаланиш муддатларини узайтиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, иқлим ўзгаришини дарёнинг юқори ва қуйи оқимидаги гидротехника иншоотларига таъсирини башорат қилиш усуллари ишлаб чиқиш, оқимнинг гидрологик режимини кескин ўзгаришини инobatга олиб суғориш эҳтиёжларини учун сувдан ресурсларидан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, замонавий дастурлар асосида йирик сув тошқинлари хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари такомиллаштириш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикада иқлим ўзгаришини инobatга олиб сел омборларини барпо этиш, гидротехник иншоотлар самарадорлигини ва хизмат муддатларини ошириш ҳамда уларнинг ишончли эксплуатациясини таъминлаш, иқлим ўзгаришни инobatга олиб каскад режимида ишлаётган йирик гидротехник иншоотларда оқимни бошқариш усуллари такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясида “сув ва сел-сув омборлари ва бошқа сув объектларини хавфсиз ҳамда ишончли ишлашини таъминлаш”¹ вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан дарёнинг гидрологик режимининг ўзгаришини гидротехник иншоотларга таъсирини олдини олишга қаратилган илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган назарий асослари ҳамда усуллари ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ишларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини 2020-2030 йилларда ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони

олиб бориш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 9 октябрдаги ПК-4486 сонли “Сув ресурсларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлари туғрисида”ги, 2021 йил 24 февралдаги ПК-5005-сонли “Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси” тўғрисидаги қарорларида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқлим ўзгаришида оқимнинг бошқарилиши, тошқинлар натижасида дарёдаги ўзан жараёнлари содир бўлиши бўйича илмий тадқиқотлар билан В.Н.Гончаров, А.Н.Гостунский, Н.В.Гришанин, И.В.Попов, К.И.Россинский, Г.А.Федотов, И.А.Кузмин, В.С.Алтунин, Н.Ф.Данелия, И.Л.Розовский, О.В.Андреев, Н.А.Михайлов, Н.С.Знаменской, В.С.Лапшенков, Д.Б.Дмитриев, В.М.Ляхтер, J.A.Kunj, F.M.Holly, A.Verwey, A.H.Милитеев, В.В.Беликов, В.К.Дебольский, В.М.Прудовский, Б.Л.Историк, Г.Л.Гладков, К.Ш.Латипов, М.Р.Бакиев, Ф.Х.Хикматов, Д.Р.Базаров, А.М.Арифжанов, Н.Р.Рахматов, С.С.Эшев, М.Икромова, Ф.Гаппаров, Г.Давронов, И.А.Ахмедходжаева ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борган.

Гидротехника иншоотлари қурилиши ва эксплуатациясининг назарий масалалари бўйича илмий тадқиқотларни Ц.Е.Мирицхулава, И.Н.Ивашенко, С.Г.Шульман, Д.В.Стефанишин, О.М.Финагенов (Россия), М.М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Т.З.Султанов, А.А.Янгиев, Г.Давронов, Х.Файзиев (Ўзбекистон) ва бошқалар олиб боришган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Partnerships for enhanced engagement in research (USAID PEER) лойиҳаси доирасида “Трансчегаравий Амударё ҳавзасида иқлим ўзгариши, ердан фойдаланиш ва мослашув тадбирларининг сув ресурслари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига таъсири” (лойиҳа санаси: 2016 йил декабрь – 2020 йил май) илмий тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иқлим ўзгариши шароитида Амударё дарёси юқори қисми оқимини прогноз қилиш ва гидротехника иншоотлари

эксплуатацион режимини бошқариш усулини такомиллаштиришдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

метеорологик маълумотлар базаси ёрдамида гидротехника иншоотлари эксплуатацион режимига иқлим ўзгариши таъсирини баҳолаш;

Инновацион технологиялар ва очиқ маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда Амударё дарёсининг табиий режимли қисми учун гидрологик прогнозлаш усулини ишлаб чиқиш;

Дарё ҳавзасидаги сув захираларини инобатга олиб сув омборлар эксплуатацион режимига ўзгартириш киритиш;

Амударё дарёсининг юқори қисмида қор қоплами эриши ва ёғин миқдорини моделлаштириш асосида талофатли сув тошқинини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш;

иқлим ўзгаришини инобатга олиб талофатли сув тошқинида оқим ҳаракатини математик модели ва дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: Амударё дарёси юқори қисмида жойлашган гидротехник иншоотлар.

Тадқиқот предмети: Дарёлар табиий режимига гидрометеорологик ва гидрологик омилларнинг таъсирини, талофатли сув тошқинлари ҳамда гидротехник иншоотлар эксплуатацион режимига таъсирини баҳолаш усулини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дарё ўзанида сув оқими ҳаракатини тасвирловчи гидрологик моделлар, гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, статистик таҳлил, жумладан, гидротехник иншоотлар каскади эксплуатацион режимига иқлим ўзгаришини таъсирини ўрганишни замонавий усуллари (SWAT ва MODSNOW) ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

MODSNOW дастуридан фойдаланиб, Амударё дарёси оқимини вегетация даври ва ойлар кесимида прогнозлаш усули такомиллаштирилган;

Иқлим ўзгариши шароитида дарё ҳавзасидаги гидротехник иншоотлар каскадининг эксплуатацион режимини бошқариш усули такомиллаштирилган;

Амударё дарёсининг табиий режимли қисмида қор қоплами эриши ва ёғин миқдорини моделлаштириш асосида талофатли сув тошқинини прогнозлаш методи ишлаб чиқилган;

Амударё юқори оқимида талофатли сув тошқинларини ҳисобга олган ҳолда оқим ҳаракатини математик модели ва дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Амударё ҳавзасидаги сув омборларнинг эксплуатацион режимини ишлаб чиқиш учун дарё оқимини вегетация даври ва ойлар кесимида прогнозлаш формулалари ишлаб чиқилган;

иқлим шароитини инобатга олиб оқимнинг гидрологик режимни баҳолаш модели асосида дарёнинг юқори ва қуйи оқимидаги гидротехника

иншоотларини эксплуатацион шароитини самарали ташкил этиш усуллари ишлаб чиқилган;

Амударё дарёсининг табиий режимли қисмидаги талофатли сув тошқинини аниқлаш модели ҳамда оқими ҳаракатини аниқлаш модели яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация ишини бажариш жараёнида MODSNOW ва ерни масофадан зондлаш маълумотлари (Modis, SRTM), Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)да амалга оширилган стандарт гидрометеорологик кузатиш маълумотларидан ҳамда тармоқ илмий тадқиқот институтлари, хусусан, Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ) материалларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, уларни қайта ишлашда умум қабул қилинган тадқиқот усуллари, жумладан, математик моделлаштириш усуллари қўлланилганлиги, уларнинг мазкур тадқиқот йўналишидаги бошқа муаллифларнинг натижалари билан мосликлари ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти қуйидагилардан иборат:

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти метеорологик маълумотлар базасини характерловчи моделлар асосида дарё ҳавзасидаги иқлим ўзгариши динамикасини оптимал интерполяция қилиш усуллари такомиллаштирилганлиги, дарё ҳавзасининг гидрометеорологик ва гидрологик шароитини инобатга олиб гидрологик режимни ўзгариши MODSNOW модели асосида баҳоланганлиги ҳамда дарё оқимининг вегетация даврида прогнозлаш усули ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, иқлим шароитини инобатга олиб, оқимнинг гидрологик режимини баҳолаш модели асосида дарёнинг юқори ва қуйи оқимидаги гидротехника иншоотларини эксплуатацион шароитини самарали ташкил этиш имкониятлари яратилганлиги, иқлим ўзгаришини инобатга олиб талофатли сув тошқинида оқим ҳаракатини математик модели ва дастурини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

“Иқлим ўзгаришининг Амударё ҳавзасидаги гидротехник иншоотлар каскади эксплуатацион режимига таъсирини баҳолаш” бўйича олинган илмий тадқиқотлар натижалари асосида:

MODSNOW дастуридан фойдаланиб, Амударё дарёси оқимини вегетация даври ва ойлар кесимида прогнозлаш усули такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 8 ноябрдаги 05/13-4167-сон маълумотномаси). Натижада дарёлар оқимининг миқдорий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва гидротехник иншоотлар, ирригация тизимларини эксплуатация қилиш самарадорлигини ошириш имконияти яратилган;

иқлим ўзгариши шароитида дарё ҳавзасидаги гидротехник иншоотлар каскадининг эксплуатацион режимини бошқариш усули

такомиллаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 8 ноябрдаги 05/13-4167-сон маълумотномаси). Натижада дарёлар сув ва сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга қаратилган режаларни ишлаб чиқиш имконини берган;

Амударё дарёсининг табиий режимли қисмида қор қоплами эриши ва ёгин микдорини моделлаштириш асосида талофатли сув тошқинини прогнозлаш методи ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 8 ноябрдаги 05/13-4167-сон маълумотномаси). Натижада Амударё дарёсининг табиий режимли қисмида талофатли сув тошқинларини олдиндан аниқлаш имкониятлари яратилган;

Амударё юқори оқимида талофатли сув тошқинларини ҳисобга олган ҳолда оқим харакатининг математик модели ва дастури ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 8 ноябрдаги 05/13-4167-сон маълумотномаси). Натижада Амударё юқори оқимида жойлашган каскадли гидротехника иншоотларида тасодифий тошқинлар содир бўлишида оқим харакатини тақсимланишини тезкор аниқлаш имкониятлари яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, уларнинг амалиётда жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Иқлим ўзгаришларининг гидротехник иншоотларини эксплуатация режимига таъсири муаммосининг ўрганганлик ҳолати»** деб номланган **биринчи бобида** дарё хавзасидаги гидротехник иншоотлар каскади эксплуатацион режимига таъсирини баҳолаш бўйича назарий ва амалий тадқиқотларнинг аналитик таҳлили,

Амударё ҳавзасида иқлим ўзгариши, гидротехник иншоотларнинг бугунги ҳолати, гидротехник иншоотларини эксплуатация давридаги муаммолар бўйича маълумот берилган. Бундан ташқари ушбу бобда оқимнинг гидрологик режимини ўзгаришини ҳисоблаш, Марказий Осиё шароитидаги табиий иқлим ўзгаришларни инобатга олиб, сув хўжалиги ва гидротехника соҳасида сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ўзандаги жараёнларни баҳолаш, сув омборларининг ҳажми камайиши, тўғон пастки бўёқларидаги деформацион жараёнларни баҳолаш, каналларни лойқа босишини олдини олиш, гидроэкологик жараёнларни ўрганиш натижалари келтирилган.

Иқлим ўзгаришининг гидротехник иншоотларга таъсири Филиппин, Қозоғистон, Туркменистон ва Ўзбекистонда иқлим ўзгаришларининг сув иншоотларига таъсирини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар мавжуд. Амударё ҳавзасидаги гидротехник иншоотларнинг эксплуатация режимига иқлим ўзгаришлари таъсирини таҳлил қилишда Марказий Осиёдаги тадқиқотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки иқлим ўзгариши натижасида вақт давомида оқимининг максимал қийматларини ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқиш, очиқ ўзанларда оқимнинг беқарор ҳаракатини, оқимнинг гидрологик режимини ўзгариши қор ва музликларни эриши ходисаларни ўрганишда кўпинча математик моделлаштириш усуллари қўлланилади. Моделлаштириш усулларининг мақсади гидротехника амалиётида сарф харажатларни оптималлаштириш ва атроф-муҳитга экологик зарар етказмайдиган ишончли ҳамда хавфсиз муҳандислик қарорларни таъминлашдир. Кўпгина тадқиқотлар шуни кўрсатадики, анъанавий усуллар ёрдамида аниқлаб бўлмаган ҳудудларда жараёнларни моделлаштириш орқали аниқлаш имконини беради. Иқлим ўзгариши оқибатида оқим ҳаракатини моделлаштириш ва дастурлар ишлаб чиқишини ривожлантиришга АҚШ Колорадо университетида, АҚШдаги Техас А&М Университети, Австрия Вена университети, Германия гео-тадқиқот маркази, Россия Фанлар академияси тизими, Санкт Петербург политехника университети, Москва давлат қурилиш университети, шунингдек бошқа илмий-тадқиқот институтларида фаолият юритадиган олимлари катта ҳисса қўшган.

Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили асосида Гидротехника иншоотлари эксплуатацион режимига иқлим ўзгариши таъсирини баҳолаш, ўзандаги жараёнларни олдиндан прогноз қилиш, иншоотлар ишлашига салбий таъсирларни бартараф этиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш лозимлиги қайд этилган.

Диссертациянинг «**Иқлим ўзгаришининг Амударё ҳавзаси сув ресурсларига таъсири**» деб номланган **иккинчи бобида** Амударё ҳавзасининг жойлашуви, физик-географик ва иқлим шароитлари ёритилган. Жумладан Амударёнинг юқори оқимини бошқариши, морфологик-географик хусусиятлари, Ўзбекистон ҳудудидан оқиб ўтувчи иншоотларининг жойлашиш ўрни, сув омборларини тартибга солиш имконини берувчи схемалар. Амударё ҳавзасидаги иқлим динамикасининг

ҳақиқий гидродинамик моделларининг тавсифларини келтириб ўтилган.

Маълумки, Амударё Ўрта Осиёдаги энг узун дарё (2540 км) бўлиб, унинг ҳавзасида яшовчи 50 миллионга яқин аҳолининг ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Тожикистон, Афғонистон ва Қирғизистондан келаётган музлик оқимлари билан таъминланган Амударё Ўзбекистон ва Туркманистон орқали шимоли-ғарбга оқиб, Орол денгизигача оқиб боради. Амударё ҳавзасининг юқори қисмида ва қуйи оқимида гидрологик режимининг ўзгариши сўнгги ўн йилликда Амударё ҳавзаси кенг жамоатчилик, халқаро ташкилотлар ва экспертлар учун устувор масалага айланиб, экологик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг ёмонлашуви туфайли эътиборни тортмоқда.


Тадқиқотлар давомида Амударё ҳавзасининг иқлимий омиллари таҳлил қилиниб унга кўра йиллик ёғин миқдори 220 мм, баъзи жойларда 100 мм дан ошмаслиги (Заравшон дарёсининг делтаси, Амударёнинг қуйи оқими). ўртача йиллик ҳарорат + 14°C дан + 17°C гача, қишда - + 1°C дан + 2°C гача, ёзда - + 30°C дан + 32°C гача ўзгариши аниқланди. Дарёнинг қуйи оқимидан ташқари. Амударё, бу ерда ўртача йиллик ҳарорат +11°C дан + 14°C гача, қишда эса - 4°C дан -6°C гача. Йиллик мусбат ҳароратлар йиғиндиси 5000-5500°C га, ўта жанубда ва чўлда 6000°C га етади. Тоғ олди худудларида ёғингарчиликнинг кўплиги - 450–700 мм ва иссиқ иқлими билан ажралиб туради. Йиллик ўртача ҳарорат +16+18°C, ёзда эса +32°C.

Амударё ҳавзасида суғориладиган ерлар ва аҳоли сонининг кўпайиши ҳисобига сув истеъмоли йилдан-йилга ортиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Амударёнинг ўрта ва қуйи оқимида суғориш учун 60 дан ортиқ йирик, ўрта ва кичик каналлар орқали сув олинади: Ўзбекистон ҳудуди йирик насос станцияларига тўғонсиз сув олиш иншоотлари Амузанг, Жайхун, Карши магистрал канали, Аму Бухоро машина каналидан ташқари Тошсака канали - 500 м³/с; Пахтаарин – 200 м³/с; Клычниязбайтай – 200 м³/с; Қизкеткен – 500 м³/с; Суенли - 300, м³/с ва бошқа каналлар сув олади. Амударёнинг юқори оқимида, яъни асосий ирмоғида узок муддатли оқимни тартибга солиш учун Нурек сув омбори ишлайди. Қуйи оқимида Тууюямуён сув омбори, Тахиатош гидроузел мажмуаси, Межреченский тўғонлари қурилган. Тууюямуён сув омборининг қуйи оқимида 185 км узунликдаги дарё ўзанининг ҳудуди икки қиррали бўйлама ва кўндаланг тўғонлар билан тартибга солинган бўлиб, бунинг натижасида Амударёда дарё ўзанининг ҳолати кўп жойларда ёмонлашади, эрозия ва қирғоқ бўйидаги ерларни сув босиш хавфи юзага келади.

Орол денгизи ҳавзаси иқлим ўзгариши ва сув танқислигидан энг заиф худудлардан биридир. Суғориладиган майдонлар қарийб 8 миллион гектар ердан иборат бўлиб, деҳқончилик асосий даромад манбаи ҳисобланиб, минтақа давлатларининг иқтисодиёти суғорма деҳқончиликка боғлиқлиги муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқот ишида Орол денгизи ҳавзаси иқлим ўзгариши оқибатининг салбий оқибатларини олдини олиш, хавзадаги оқимнинг


гидрологик режимини ўзгаришини башорат қилишда замонавий иқлим моделлари дастурларидан фойдаланиш лозимлиги асосланди.

Тадқиқотлар давомида дастлаб Амударё ҳавзасида 2100 йилгача ҳаво ҳароратини узоқ муддатли прогноз қилиш учун дарё ҳавзаси чегарасидаги ва унга яқин метеорологик станция маълумотларидан фойдаланган ҳолда СМIP5 иқлим моделини қолибравлаш ишлари амалга оширилди. Қолибравлаш учун олинган метеорологик станция ва СМIP5 модели иқлим сеткалари 1-расмда келтирилган.




1-расм. Тузатиш учун оддий СМIP5 тармоғи ва об-ҳаво станциялари ишлатиладиган модел

Амударё ҳавзаси ҳудудидаги иқлим прогнозларини баҳолаш ва тузатиш ишлари намунавий натижаларни ўрганилаётган ҳудуддаги метеорологик станциялар маълумотлари асосида олиб борилган метеорологик қийматларнинг объектив таҳлили натижалари билан солиштириш йўли билан амалга оширилди (2-расм).



2-расм. СМIP5 моделида келтирилган иқлим сценариялари ҳамда модел натижаларини тузатиш графиклари келтирилган

Амударё хавзаси учун CMIP5 иқлим модели асосида 2100 йилгача ҳаво ҳароратини узоқ муддатли прогноз қилинганда, келгусида ҳарорат йилдан-йилга ошиб бораётганини кузатиш мумкин (3-расм). Ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, қурғоқчилик ҳолатининг тез-тез содир бўлиши, ёғин турининг ўзгаришига, ёғин жадаллигининг ошишига ва натижада сув тошқини ҳавфларини ортишига сабаб бўлади, бу эса гидротехник иншоотларнинг эксплуатацион режимига таъсир этиши ёки гидротехник иншоотини буткул зарарлаши мумкин.




3-расм. CMIP5 иқлим моделида ҳаво ҳароратининг узоқ муддатли прогнози (2100 йилгача)

Ҳаво ҳароратининг узоқ муддатли прогнози натижаларига кўра 2020 йилдан 2100 йилгача ер юзасида ҳаво ҳароратининг 3-4⁰ га ошишини кўрсатмоқда (3-расм). Бу эса келгусида кишлок хўжалиги суғорма деҳқончиликка ихтисослашган ҳудудларда сувга бўлган талабнинг янада ошишига олиб келади.

Дарё хавзасида глобал иқлим моделлари ёрдамида иқлим ўзгариши ва ҳаво ҳароратининг узоқ муддатли прогнози ҳамда дарё хавзаси чегарасини аниқлаш ҳамда дарёдаги гидрологик жараёнларни баҳолашда SWAT моделидан фойдаланилди.

SWAT гидрологик модели кунлик ва ойлик таҳлил натижаларини берадиган модел ҳисобланади. Гидрологик жараёнларни етарли даражада моделлаштириш учун ҳавзалар қуйи сув ҳавзаларига бўлинади, бу орқали оқимлар йўналтирилади. Пастки сув ҳавзалари бирликлари тупроқ хоссалари, ердан фойдаланиш ва ёмғирнинг ноёб комбинацияси бўлган гидрологик таъсир бирликлари (ГТБ) деб номланади ва улар гидрологик жиҳатдан бир хил ҳисобланади. Ҳам пастки сув ҳавзаси, ҳам ГТБ фойдаланувчилар томонидан аниқланган бўлиб, модель фойдаланувчиларига SWAT моделида кўриб чиқилган қарорни назорат қилиш имконини беради.



4-расм. SWAT моделида дарё ҳавзаси аниқланиши

Модель ҳисоб-китоблари ГТБ базасида амалга оширилиб ўзгарувчан оқим ва сув сифати ГТБдан пастки ҳавзаларига, сўнгра сув ҳавзасига юборилади. SWAT модели гидрологияни ер усти гидрологияси ва канал гидрологиясидан иборат икки компонентли тизим сифатида симуляция қилиш имкониятини яратади.

Модель ҳисоб-китоблари ва амалга оширилган кузатувлар аниқлиги таққослаш натижаларига кўра, Наш-Сутслиффе самарадорлиги (NSE) Саманбай гидропости бўйича 0.61 га, Қипчоқ гидропости бўйича 0.63 қийматларни ташкил қилди. Кузатилган ва моделлаштирилган маълумотларнинг регрессион боғлиқлиги (R^2) мос равишда 0.76 ва 0.79 ни ташкил этди.

Диссертациянинг «**Иқлим ўзгаришининг Амударё ҳавзаси қор қоплами динамикасига таъсирини баҳолаш ҳамда дарё оқимини қор қоплами маълумотлари асосида узоқ муддатли прогнози**» деб номланган **учинчи боби** географик ахборот тизимлари ва масофадан зондлаш маълумотлари асосида ҳавзада қор қопламини миқдорий баҳолаш, масофадан зондлаш ёрдамида ҳисобланган қор қоплами ва қор индекси маълумотлари асосида гидрологик прогнозлаш, дарё ҳавзасини 500 метр ҳамда 1000 метрлик баландликларга ажратиб, ҳар бир баландликлар бўйича алоҳида ойлик прогнозларини тайёрлаш, тоғ дарёлари оқимини прогнозлаш орқали сув ресурсларини оптимал бошқариш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.


Қор қоплами минтақавий иқлимни тартибга солиш, сувнинг мавжудлигига таъсир кўрсатувчи, турли экотизимларни қўллаб-қувватлашда жуда муҳим рол ўйнайди. Иқлим ўзгариши туфайли глобал ҳарорат кўтарилиши билан қор қоплами динамикаси чуқур ўзгаришларга юз тутмоқда. Гидрологик цикллар, биохилма-хиллик ва инсон фаолиятига эҳтимолий таъсир кўрсатмоқда.

Тоғли ҳудудларда қиш ойларида қор захирасининг йиғилиши ҳисобига мавсумий қор захиралари вақтинчалик сув омборлари сифатида фаолият юритади ҳамда баҳор ва ёз ойларида дарё оқимининг режимини белгилаб беради. Қор қопламини мониторинг қилишда масофан зондлаш методидан фойдаланиш энг мақбул ечимдир. Бироқ, масофадан зондлаш орқали қор

қоплами мониторингида булут қопламлари айни қиш фаслида қор қопламини ўрганишга тўсқинлик қилади. Ушбу диссертация ишида юқорида келтирилган муммони баргараф этган ҳолда қор қопламлари мониторингини юритишда MODSNOW дастуридан фойдаланилган.

MODSNOW дастури масофадан зондлаш ишларида “MODIS” спектрорадиометри (Modured Resolution Imaging Spectroradiometer) Terra ва Aqua сунъий йўлдош суратларидан фойдаланилди. Ушбу кунлик маълумотларни 2 кун кечикиш билан олиш мумкин бўлиб, бу эса сув ресурсларини бошқаришда етарлича маълумот ҳисобланади. “MODSNOW” дастурида 8 босқичли булут тозалаш алгоритми мавжуд бўлиб, дарё ҳавзасининг кунлик қор қоплами мониторинги сифатини оширишга хизмат қилади.

**Керки гидропостидаги қор қоплами ўзгариш динамикаси
(2024-2025)**



5-расм. MODSNOW дастури ёрдамида қор қоплами динамикасини аниқлаш

Тоғ дарёлари оқишини прогноз қилишнинг деярли барча усуллари дарё ҳавзасининг сув баланси тенгласининг тахминий ечимига асосланиб, оқимнинг асосий омилларига, физик-статистик боғлиқлигини аниқлашга асосланади. Боғлиқлик график ёки аналитик усулда бўлиши мумкин.

Амударё ҳавзасида оқимини прогнозлашда қор қопламининг дарё оқимига боғлиқлигини эмперик формулалар ёрдамида текшириб, корреляцион коэффициентининг юқорисини қуйидагича танлаб олинди.

$$Y = g(x) = a * X + b \quad (1)$$

Юқоридаги (1) ифодадаги Y ва X ларнинг ўрнига сув сарфи ва ҳавзанинг қор қоплами маълумотларини қўйилса ушбу (2) формула ҳосил бўлади:

$$Q_n = a * SCA_{n-1} + b \quad (2)$$

бу ерда: Q_n – прогноз қилинаётган сув сарфи, м³/сек; a , b , c – чизиқли тенглама коэффициентлари; SCA_{n-1} – прогноз берилган ойдан олдинги ойнинг қор қоплами маълумоти.

Оқим прогнозининг аниқлик даражаси юқори бўлиши учун кўп ўзгарувчи регрессия тенгламаларидан фойдаланилди.

$$Y = f(x_1, x_2, \dots, x_p) \quad (3)$$

(3) ифоданинг ўзгарувчиларини ҳавзанинг қор қоплами, дарёда кузатилган сув сарфлари, ёғин миқдори ва ҳаво ҳарорати маълумотларидан фойдаланиб, (4) ифода ҳосил қилинди.

$$Q_n = a * SCA_{(n-1)} + b * Q_{(n-1)} + d * P + e * Temp + c \quad (4)$$

бу ерда: $Q_{(n-1)}$ – прогноз қилинаётган ойдан олдинги ойнинг ўртача сув сарфи; P – 1 октябрдан прогноз қилинаётган ойдан олдинги ойнинг охиригача тушган ёғин миқдори йиғиндиси; T – прогноз қилинаётган ойдан олдинги ойдаги ўртача ҳаво ҳарорати.

$$Q_{\text{май}} = 32 * SCA_{\text{март}_{\text{зона4}}} + 0.71 * Q_{\text{март}} - 18 * P_{\text{окт-март}} - 11 * T_{\text{март}} + 102$$

Ушбу формула ёрдамида дарё оқимини прогноз қилинганда аниқлик даражаси 80% ни ташкил этди.

Амударё дарёсининг Керки гидрологик постига 2021 йил апрель ойига прогноз натижалари ўртача 94.4 % ни, энг яхши натижа 2 та ўзгарувчи формулада (қор қопламининг 1000 метр баландликлар бўйича ҳисобланган 4 баландлик ва март ойида кузатилган сув сарфи маълумотлари ёрдамида) ҳисобланганда 98.9% ни ташкил этди.

Амударё дарёсининг юқори қисмида оқимни прогноз қилиш Варзоб дарёсининг Дағана гидрологик постига ва Вахш дарёсининг Нурек сув омборига қуйилиш қисмларига ҳам дарё оқимини узоқ муддатли гидрологик прогнозлаш ишлари олиб борилди.


1-жадвал

Вахш дарёси оқими прогнозининг аниқлиги (2021 йил)

Маълумотлар тури\ой	апрель	май	июн	июл	август	сентябрь
Прогноз_500	84,04	99,00	95,4	77,44	99,97	92,36
Прогноз_1000	87,10	96,43	98,7	78,50	98,5	92,36

Вахш дарёси оқимини 2021 йил ойлар кесимида прогноз қилинганда энг яхши натижа май ойига 99,97% ва энг паст натижа июль ойига 77,44% ни ташкил этган.

Амударё дарёси ҳавзасининг юқори оқимида тошқинларни олдиндан аниқлаш мақсадида жараёнлар тавсифи MODSNOW дастури ёрдамида моделлаштирилди. Дастур натижаларига кўра сув тошқини кузатилишига қорнинг эриш ва ёғин жадаллигининг ошиши сабаб бўлишини таъкидлаш мумкин (6-расм).



6-расм. MODSNOW дастурида қорнинг эриш ва ёғин жадаллигининг ошишини моделлаштириш натижаси

Қор қопламларини моделлаштиришнинг иккита асосий ёндашуви мавжуд бўлиб энергия баланси ва ҳарорат индекси усулидир. Тадқиқот ишида моделлаштиришнинг ҳарорат индекси усулидан фойдаланилди. Амударёнинг Керки гидрологик постида оқимини MODSNOW дастури ёрдамида узоқ муддатли прогнозлаш имконияти яратилди.

Диссертациянинг «Иқлим ўзгаришининг Амударё ҳавзасидаги гидротехник иншоотлар каскадининг эксплуатация режимига таъсирини баҳолаш» деб номланган тўртинчи бобда иқлим ўзгаришининг Амударё ўзанида оқимнинг гидрологик ва гидравлик параметрларига таъсири, таловатли сув тошқини оқим ҳаракатини моделлаштириш масалалари ёритилган.

Иқлим ўзгариши натижасида сув тошқинларининг шаклланиши ва оқибатларини башорат қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда сув тошқинлари натижасида юзага келадиган хавф манбалари ва тўлқинларнинг

таъсир доирасига тушадиган объектлар тўғрисида жуда катта маълумотлар базасини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Олиб борилган тадқиқотлар, тўпланган маълумотлар базасига кўра тошқин параметрлари Сен-Венан тенгламаларининг сонли ечими асосида ҳисобланди.

Масса ва куч импульсининг сақланиш қонуни асосида ёзилган Сен-Венан тенгламалари ҳаракат миқдори коррективининг қиймати ($\alpha=1$) бўлган ҳолат Сен Венан тенгламалари системаси учун қуйидаги тўлиқ умумий кўринишга эга:

$$\frac{\partial \omega}{\partial t} + \frac{\partial Q}{\partial x} = q \quad (5)$$


$$\frac{\partial Q}{\partial t} + \frac{\partial Q^2 / \omega + gS}{\partial x} - g \frac{\partial S}{\partial x} \Big|_{Z_{fs}=c} + \frac{\lambda}{2} v^2 \chi = r; r = \begin{cases} qv & q < 0 \\ qv_{in} & \text{при } q > 0 \end{cases} \quad (6)$$

бунда: t – вақт, x – канал ўзани бўйлаб бўйлама координата, ω – ҳаракатдаги кесими юзаси, $Q = \omega v$ – оқим сарфи, v – оқимнинг ўртача тезлиги, $S = \omega h_c$ – сув оқимининг сатҳ эгрилигига нисбатан статик моменти бўлиб, оқим ҳаракатдаги кесими юзаси билан оқим оғирлик маркази чуқурлиги (h_c) кўпайтмаси билан аниқланади, χ – хўлланган периметр, Z_{fs} – сув сатҳининг баландлик белгиси, g – эркин тушиш тезланиш, q – солиштирма сарф (ўзанининг бирлик узунлиги учун) ўзанига ҳисобий соҳада қўшимча сарф кирса $q > 0$ ёки сув олинса $q < 0$, v_{in} – ўзанининг ҳисобий соҳасига ташқаридан кираётган оқим тезлиги. Сув оқими ҳисобий соҳадан чиққанда бир ўлчамли схема куч импульси фақат оқимнинг ўртача тезлигига боғлиқ деб қаралади, $\lambda = \frac{2g}{C^2}$ – Дарси ёки гидравлик ишқаланиш коэффициенти, (5) тенглама ўзандаги сув оқими массасининг сақланишини ифодалаб, узлуксизлик тенгламасининг суюқлик зичлиги (ρ) кўпайтмасини ифодалайди; Иккинчи (6) тенглама ҳаракат тенгламасини сув оқими зичлигига кўпайтмаси бўлиб, импульснинг сақланишини ифодалайди Шу ўринда эътироф этиш керакки, суюқлик учун зичлик $\rho = const$ ўзгармас бўлиб, газларда ўзгарувчан характерга эга. Ушбу тенгламалар системаси дастлаб, газлар учун фойдаланилганлиги сабабли, зичликни ўзгарувчанлиги ҳолати ҳам инобатга олинган.

Ҳисоблаш жараёнида ишлаб чиқилган график ёрдамида сув тошқини тақсироти динамикасини кузатиш ва жараённинг анимацион кўринишини тасвирлаш имконияти яратилди. Асосий натижаларга қўшимча равишда, ҳисоблашлар давомида, мониторда турли ҳудудларда максимал сув тошқини даражаси ва оқим чуқурлиги, изобаталардаги максимал тезликлар, тўлқин ҳаракати изохронлари, шунингдек, сувнинг туриш вақти кўрсатилади.

Амударёнинг юқори оқимида оқим ҳаракатини моделлаштиришда дарёда каскадли ҳалокати графиклари қурилди. Оқим ҳаракатини моделлаштириш учун юқори оқимда жойлашган 3 та сув омбори каскади модели қурилди. Унга кўра юқори оқимда 100 млн. м³, ўрта оқимда 4 млн м³,

қуйи оқимда 100 млн. м³ ҳажмга эга сув омборлари маълумотлари киритилди. Тадқиқот натижаларига кўра аввал юқори оқимдаги сув омбори бузилиш вақт давомида кузатиб борилди. Графикдаги натижаларни тўлқин кўринишидаги тасвирини кузатиш мумкин бўлди.



7-расм. Талофатли сув тошқинида оқим ҳаракатини модели (кузатиш вақти 12,17 соат)

Тўлқин ўрта оқимдаги сув омборига $t=1,1$ соатда етиб келиб, уни деярли бир зумда тўлдириб талофатли сув тошқинини содир этганлигини кўриш мумкин. Оқим ҳаракатини моделлаштириш жараёнида каскаднинг қуйи сув омборини тўлдиришда маълум вақт давомида ҳалокатни ушлаб туриш мумкин. Аммо сув омборининг бузилиши тўлқинни сув омборига етиб борган 3 чи соатдан бошлаб, сув омбори тўлиб-тошган ва бузилиш 8,15 соатгача содир бўлган, Шунинг учун тадқиқот натижаларига кўра, гидроузелнинг ўтказувчанлик қобилияти тошқинли ҳалокатнинг олдини олиш учун етарли эмаслигини кўрсатди. Кейинги вақт давомида бузилиш тўлқини аста-секин кучсизланиб дарё катта кўлга қуйилган жойгача оқим бўйлаб пастга тарқалди.

Амударё хавзаси учун иқлим ўзгаришини инобатга олиб талофатли сув тошқинида оқим ҳаракатини математик модели ва дастурини ишлаб чиқиш натижаларига кўра каскадли гидротехник иншоотларни сув ўтказувчанлик қобилияти баҳолаш имконияти яратилди.

ХУЛОСА

1. Гидротехника иншоотларида ҳаракатланувчи сув оқими ва ўзани ташкил этувчи грунтларнинг ўзаро таъсири натижасида рўй берадиган вақт давомида ўзгарувчи деформацион жараёнлар, физик моҳиятини асослаш, қонуниятларини ўрганиш ва бу муносабатларни иншоотлар ишлашига

салбий таъсирини бартараф этиш усуллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

2. Гидрологик моделларни ишлаб чиқиш, гидрологик ҳисоблашлар ва прогнозлар, математик статистика, жумладан, гидротехник иншоотлар каскади эксплуатацион режимига иқлим ўзгариши таъсирини ўрганишни замонавий усулларда такомиллаштириш ҳамда дарё ўзанида ҳаракатланадиган сув оқимининг гидрологик ва гидравлик параметрлари ўзгаришини ўрганиш зарурияти пайдо бўлди.

3. Метеорологик маълумотлар базаси моделлари асосида дарё ҳавзасидаги иқлим динамикасини оптимал интерполяция қилиш усуллари такомиллаштирилган. Натижада дарёлар оқимининг миқдорий кўрсаткичлари аниқлаштирилган ва бу ҳолат гидротехник иншоотлар, ирригация тизимларини эксплуатация қилиш самарадорлигини ошириш имконияти яратилган.

4. Дарё ҳавзасининг иқлим шароитини инобатга олиб гидрологик режимни баҳолаш модели асосида дарёнинг юқори ва қуйи оқимини башорат қилиш усули ишлаб чиқилган. Натижада мамлакатимиз дарёлари сув ва сув-энергетика ресурсларини босқичма-босқич ўзлаштириш, улардан оқилона фойдаланишга қаратилган режаларни ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

5. Иқлим ўзгаришининг дарё ҳавзасидаги гидротехник иншоотлар каскадининг эксплуатация режимига таъсирини баҳолаш усули ишлаб чиқилган. Натижада дарёларда жойлашган йирик гидротехник иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имконияти яратилган.

6. Иқлим ўзгаришини инобатга олиб талофатли сув тошқинида оқим ҳаракатини математик модели ва дастурини ишлаб чиқиш асосида каскадли гидротехник иншоотларни сув ўтказувчанлик қобилияти баҳолаш усули ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ «ТАШКЕНТСКИЙ
ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ
СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ
«ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА»**

КАТТАКУЛОВ ФАРРУХ САЙФУЛЛАЕВИЧ

**ОЦЕНКА ВЛИЯНИЯ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА НА
ЭКСПЛУАТАЦИОННЫЙ РЕЖИМ КАСКАДА ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ
СООРУЖЕНИЙ В БАССЕЙНЕ АМУДАРЬИ**

05.09.07- Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2025.1.PhD/Т139

Диссертация выполнена в Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства».

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета по адресу (www.tiiame.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель: Базаров Дильшод Райимович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Аденбаев Бахтияр Эмбергенович
доктор географических наук, доцент

Янгиев Асрор Абдихамидович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: Научно-исследовательский
Гидрометеорологический институт

Защита диссертации состоится «25» апреля 2025 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc. 03/30.12.2019.Т.10.02 при Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства» по адресу: 100000, Ташкент, Кари-Ниязий, 39. тел/факс: Тел.: (99871) 237-46-68, 237-22-09, факс: 237-54-79, e-mail: admin@tiiame.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национальном исследовательском университете «Ташкентский институт инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства», (регистрационный номер №368) Адрес: 100000, Ташкент, Кары-Ниязий, 39. тел (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiiame.uz.

Автореферат диссертации разослан «14» апреля 2025 года
(реестр протокол рассылки №368 от «14» апреля 2025 года).



А.Т.Салохидинов
Председатель учёного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.,
профессор

Ф.А.Гаппаров
Учёный секретарь учёного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.,
профессор

А.М. Арифжанов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В результате глобального изменения климата частота стихийных бедствий в природе увеличивается. В частности, в Центральной Азии, в том числе в регионах Республики Узбекистан, особое значение придаётся оценке влияния изменения климата на режим работы каскада гидротехнических сооружений. Наводнения и другие опасные природные явления часто происходят в результате изменения климата. В связи с этим, уделяется особое внимание на изучение разработку современных программ и методов прогнозирования возникновения деформационных процессов в верхнем и нижнем течении рек как результат кратковременных паводков, техническое состояние водоёмов в сезонном водоснабжении, проведения научных исследований по надёжной и безопасной эксплуатации гидротехнических сооружений.

В мире проводятся научные исследования, направленные на эффективное использование водных ресурсов, безопасное и рациональное использование водохранилищ на основе регулирования речного стока, продление эксплуатационной надёжности и срока службы объектов. В этом направлении, проводятся исследования по разработке методов прогнозирования влияния изменения климата на гидротехнические объекты в верхнем и нижнем течении рек, а также по разработке методов эффективного использования водных ресурсов для ирригационных нужд, учитывая резкое изменение гидрологического режима, являются приоритетным. При этом одной из актуальных задач считается совершенствование методов анализа и оценки рисков крупных наводнений на основе современных программ.

В нашей республике с учётом изменения климата строятся селевые водохранилища, повышаются эффективность и срок службы гидротехнических сооружений и обеспечивается их надёжная эксплуатация, с учётом изменения климата совершенствуются методы регулирования стока на крупных гидротехнических сооружениях, работающих в каскадном режиме. В концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы «обеспечить безопасную и надёжную эксплуатацию водных и паводковых водоёмов и других водных объектов»² определены задачи. Реализация данных задач, имеющих научное и практическое значение, направлена на предотвращение влияния изменения гидрологического режима реки на гидротехнические сооружения. Одной из важных задач является проведения научных исследований, направленных на разработку теоретических основ и методов использования гидротехнических сооружений.

УП-60 Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы» и УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении Концепции развития водного хозяйства в

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении концепции развития водного хозяйства Республики Узбекистан на 2020-2030 годы»

Республики Узбекистан на 2020-2030 годы» Постановление № ПК-4486 от 9 октября 2019 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления ресурсами», 2021 г. Данное диссертационное исследование в определённой степени служит реализации задач, определённых в решениях ПК-5005 от 24 февраля «Стратегия управления водными ресурсами и развития ирригационного комплекса в Республике Узбекистан на 2021-2023 годы» и других нормативных правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование соответствует приоритетному направлению развития науки и техники V. «Сельское хозяйство, биотехнологии, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В изменении климата регулирование стока в результате наводнений научными исследованиями по возникновению илистых процессов в работах В.Н.Гостунского, Н.В.Гришанина, И.В.Росинского, Г.А.Кузьмина, Н.С. Знаменской, В.С.Лапшенкова, Д.Б. Дмитриева, В.М. Ляхтера, Я.Куна, Ф.М.Холли, А.Вервей, М.Р. Бакиева, Н.Р. Рахматова, Ф.Х. Хикматова, С.С. Эшева. Научные исследования проводили Г.Т. Давронов, И.А. Ахмедходжаева, М.Р. Икромова и другие.

Ц. Э. Мирцхулава, И.Н.Иващенко, С.Г.Шульман, Д.В.Стефанишин, О.М.Финагенов (Россия), М.М.Мирсаидов, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Т.З.Султанов, А.А.Янгиев, Г.Т.Давронов, Х.Файзиев (Узбекистан) и другие.

Связь темы диссертации с планом научно-исследовательской работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках проекта Партнёрства по расширению участия в исследованиях (USAID PEER) «Воздействие изменения климата, землепользования и мер по адаптации на водные ресурсы и сельскохозяйственное производство в трансграничном бассейне Амударьи» (дата проекта: декабрь 2016 г. – май 2020 г.).

Цель исследования. Он заключается в прогнозировании стока верхней части реки Амударьи в условиях изменения климата и совершенствовании методики управления режимом работы гидротехнических сооружений.

Задачи исследований:

Оценка влияния изменения климата на режим работы гидротехнических сооружений с использованием метеорологической базы данных;

